

---

## ФАРГОНАДА МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИГА ЯНГИ ХИЗМАТ УЙЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳрида Миллий гвардиянинг вилоят бошқармаси ҳарбий хизматчилари учун янги қуриб битказилган хизмат уйларини ўз эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, Миллий гвардия вилоят бўйича бошқарма бошлиғи Шавкат Акбаров, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Муҳиддин Жўраев иштирок этдилар.

Хизматчиларни янги уйлар билан қутлаш учун сўз олган вилоят ҳокими, Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги ислоҳотлар доирасида бошқа соҳаларда бўлгани каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштириш ва улар учун кулай шароитлар яратиш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилаётганлигини қайд этиб, аҳоли тинчлиги ва осойишталикни таъминлаш йўлида хизмат қилаётган Миллий гвардия ҳарбий тузилмаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Вилоят ҳарбий-маъмурӣ сектори иш режаси доирасида маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 4 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланган 2 ва 3 хонали 20 та хонадон калитлари ҳарбий хизматчиларга тантанали топширилди.

Рамзий тасма қирқилиб, тадбир иштирокчилари янги хонадонлардаги шарт-шароитлар билан танишдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-09-29 16:19:13